

ТМИ доценти, PhD. А.Остонокулов  
ТМИ магистранти А.Абдумуталов

## БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада давлат бошқарувида молиявий назоратнинг ўрни ва ахамияти ёритилган. Давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Давлат молиявий назорати билан боғлиқ муаммолар келтирилган ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** аудит, бюджет, ички аудит, ички назорат, молиявий ҳисобот, молиявий назорат, тафтиш.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются роль и значение финансового контроля в государственном управлении. Анализируются организация и настоящее состояние государственного финансового контроля. Приведены проблемы связанные с государственным финансовым контролем и даны научно-обоснованные рекомендации и по их решению.

**Ключевые слова:** аудит, бюджет, внутренний аудит, внутренний контроль, финансовая отчетность, финансовый контроль, ревизия.

**Annotation.** This article discusses the role and importance of financial control in public administration. The organization and the current state of the state financial control are analyzed. The problems associated with state financial control are given and scientifically based recommendations are given on how to solve them.

**Key words:** audit, budget, internal audit, internal control, financial reporting, financial control.

### Кириш.

Мамлакатимизда давлат молиясини бошқариш ҳамда назоратини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган давлат молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқиш белгиланди.

Ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янгилаш ҳамда ривожлантириш амалиётини такомиллаштириш, бюджет ҳисобини тартибга солишнинг яхлитлиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича жамиятни демократлаштириш ва ислох қилиш ҳамда модернизациялаш, мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда норматив ҳуқуқий-ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш, ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришга ёрдам беради. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кучли молиявий назоратни шакллантириш давр талаби ҳисобланиб, давлат молиявий назоратини такомиллаштириш доимо диққат-эътибор марказида. Бу хусусида, Президентимиз Ш.Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлайди: “Албатта, Давлат бюджети ўлчовсиз эмас, маблағларни қаттиқ тежаш, белгиланган мақсад учун ва оқилона ишлатишни таъминлаш зарур. Бу – ҳаммага равшан ва рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.[1] Дарҳақиқат, ислохотлар изчиллигини таъминлаш ва давлат бюджети харажатларидан оқилона фойдаланиш жараёнида давлат молиявий назоратининг илғор усуллари қўллаш, маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда харажатларни тежашда молиявий назорат органларининг профилактик тадбирларни ўтказиши муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, бюджет назоратини ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича илмий тадқиқот олиб бориш долзарб саналади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Бюджет назорати бюджет тизими бюджетлари ижросининг амалга оширилишига хизмат қилади. У ҳам давлатнинг, ҳам бошқа барча иқтисодиёт субъектларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган. Бизнингча, бюджет назорат тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

бюджет назорати;

контрагентлар билан молиявий ҳисоб-китоб муносабатлари жараёнидаги назорат;

нодавлат молиявий назорати.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат ўзаро таъсирчан ва мустақил бўлган икки соҳага бўлинади:

давлат молиявий назорати;

нодавлат молиявий назорати.[6]

Шу жиҳатдан ҳам бюджет назоратини ўтказишнинг қонунийлиги ва мустақиллиги, шунингдек бюджет назорати натижаларининг ишончлилигини ва ҳолислигини назорат қилиш зарур.

Бюджет назоратининг давлат ва нодавлат соҳалари назоратини амалга ошириш методларининг ўхшашлигига қарамасдан, ўзларининг пировард мақсадлари бўйича бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бюджет назоратининг

бош мақсади давлат хазинасига ресурслар туширишни максималлаштириш ва давлат бошқарув харажатларини минималлаштириш бўлса, бунга қарама-қарши равишда нодавлат молиявий назоратнинг (айниқса, фирма ичидаги молиявий назоратнинг) бош мақсади жойлаштирилган капиталдаги фойда нормасини ошириш мақсадида давлат фойдасига ажратмалар ва бошқа харажатларни минималлаштиришдан иборат.

Бир гуруҳ мамлакатимиз иқтисодчи олимлари, жумладан З.Х.Срожиддинова ва С.У.Мехмонов молиявий назоратни 3 та турга ажратишган:

давлат молиявий назорати;  
идоралараро молиявий назорат;  
аудиторлик назорати.

З.Х.Срожиддинова бюджет назоратининг мазмуни, аҳамияти, элементлари ва принциплари ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий танглиklar ва молиявий-иқтисодий инқирозлар шароитида бюджет назоратининг аҳамияти ўсиб боради ва янгича мазмун касб этади, деб қарашларини келтирган.[3]

С.У.Мехмонов молиявий-иқтисодий назоратнинг таркибий қисми сифатида мамлакатнинг барча даражаларини қонуний, мақсадли ва самарали шакиллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш, бюджет дароматлари тушумини кўпайтиришнинг қўшимча манбаларини аниқлаш, бюджет-солиқ интизомини яхшилашни текшириш бўйича давлат органлари томонидан олиб бориладиган назоратлар йиғиндисидир, деган ғояни фикрларни таъкидлаган.[5]

Россиялик иқтисодчи олим Е.Грачева давлат молиясини бошқаришда коррупцияга қарши назоратни кучайтириш зарурлигига урғу берган ва молиявий назоратнинг қуйидаги 4 та турини санаб ўтган:

давлат молиявий назорати;  
идоралараро молиявий назорат;  
ички хўжалик назорати;  
аудиторлик назорати.[6]

Е.Грачева молиявий назорат муҳитининг ахволи иш услуби ҳодимларининг дунё қараши, ва ўз вақтида иш олиб боришини таъминлашга урғу берган.

Айни пайтда, молиявий назорат тушунчасига жуда катта аҳамият берилмоқда, баъзи бир олимларнинг фикрига кўра, молиявий назорат бу молиянинг назорат функциясини амалга оширадиган шакли, бошқа олимлар эса, ташкилий бошқарув нуктаи назаридан ёндашиб, махсус ташкил қилинган назорат органлари фаолияти, деб таърифлашади. Кўплаб олимлар молиявий назоратни бошқарувнинг функцияси сифатида кўришади. Лим декларациясига

кўра назоратнинг бошқарув тамойилларида шундай дейилган: “Назоратни ташкил қилиш бу молиявий маблағларни бошқаришнинг мажбурий элементи бўлиб ҳисобланади, бундай бошқарув жамоат олдида жавобгарликни келтириб чиқаради. Назорат - бирдан бир мақсад эмас, балки тартибга солиш тизимининг ажралмас қисмидир.[7]

### **Услубиёт ва талил**

Бюджет назорати иқтисодиётни ривожлантириш, барқарорликни таъминлаш ва сифатли бошқариш жараёнини тубдан ўзгартиришнинг асосий муваффақиятларидан бири бўлиб хизмат қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, бюджет назорати давлат назорати ягона механизмнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бюджет назоратисиз давлатнинг иқтисодиёти ва молиявий тизими нормал фаолият кўрсатиши мумкин эмас.

Бюджет назорати молиявий фаолиятнинг барча босқичларида амалга оширилади, яъни пул фондларини шакллантириш, тақсимлаш (қайта тақсимлаш) ва ишлатиш жараёнида юзага келади.

Ўзбекистонда бюджет назорати тизимининг ривожланиши узлуксиз жараён ҳисобланиб, у ўзининг ривожланишида маълум босқичлардан ўтган ва ҳозирда ҳам давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш стратегияси доирасида ислоҳ қилинмоқда. Шунинг учун ҳозирги кунда бюджет назорати соҳасига янги истиқболли тизимлар ва усулларни жорий қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Бюджет назорати молия соҳасида интизомни ушлаб туриш, бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги мажбуриятларини бажариш, ҳисоб ва ҳисобот қоидаларига амал қилиш самарадорлигини ошириш, бюджет тизими барча бўғинлари даромадлари ва харажатларининг қонунийлиги, давлат ресурсларидан тўлиқ ва ўз вақтида фойдаланилишини таъминлаш, молиявий қонунчиликни бажарилиши ва амал қилинишини текширишга қаратилган.

Бюджет назоратининг таъсирчан тизимини яратиш, маблағларни шакллантириш ва ишлатиш бўйича давлат функцияларини муваффақиятли амалга оширишни таъминлаши керак ва давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тезлаштиришга қаратилган бўлиши ҳамда миллий иқтисодиёт ва молия тизимини мустаҳкамлашнинг омили сифатида қаралиши лозим.

Бюджет назорати тафтиш, текшириш (шу жумладан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текшириш) ва ўрганиш шаклида амалга оширилади. Бюджет назоратини амалга ошириш давомида бюджет интизоми ҳолати, қонунбузарликлар аниқланади ва давлат бюджетининг келажақдаги фаолиятини такомиллаштириш учун асос яратилади.

Бюджет назоратининг яхлит тизимини яратишга қаратилган қуйидаги асосий вазифаларни келтиришимиз мумкин:

бюджет назоратининг объекти сифатида давлат маблағларини ишлатиш ва шакллантириш билан боғлиқ бўлган хўжалик ташкилотлари субъектларининг фаолияти жараёнида вужудга келадиган барча пулли муносабатлари тушунилади;

бюджет назорати миллий иқтисодиётни ривожлантириш, жамият ва хусусий ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш суръатларини ошириш, илмий-техник тараққиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг ҳамда бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва ҳажмини оширишга қаратилган бўлиши керак. Бюджет назорати бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг молиявий назорат объектилари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Бюджет назорати тафтиш, текшириш (шу жумладан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текшириш) ва ўрганиш шаклида амалга оширилади. Молиявий назоратни амалга ошириш давомида молиявий интизом ҳолати, қонунбузарликлар аниқланади ва давлат молиясининг келажакдаги фаолиятини такомиллаштириш учун асос яратилади.

Нazorat қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-1503-сонли Фармони билан ташкил этилган.

Нazorat қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3665-сонли Фармони билан тасдиқланди. Давлат молиявий назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги асосий орган саналиб амалга оширилган назорат тадбирларини келтириб ўтамиз (1-жадвал).

*1-жадвал*

**Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати бош бошқармаси томонидан ўтказилган назорат тадбирлари тўғрисида маълумот<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида шакллантирилди. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)

Ўтказилган текширишлар сони	8217	7049	6164	8641	10741	11625	7047
Қонунбузарлик суммаларининг бюджет даромадидаги салмоғи (%)	0,45	0,42	0,46	0,62	0,44	0,24	0,11

Жадвал маълумотларига асосан давлат бюджети ижроси юзасидан ўтказилган текширувлар сони 2013-2014 йилларда нисбатан қисқарган ва 2015-2018 йилларда эса, яна ўртганлигини кўришимиз мумкин. Сўнгги йилларда текширишлар сони ортган бўлсада, қонунбузарлик суммаларининг бюджет даромадидаги салмоғи пасайган. 2018 йилдан Давлат молиявий назорати бош бошқармаси томонидан бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан назорат тадбирларида замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида камерал назоратдан кенг фойдаланиш йўлга қўйилганлиги сабабли назорат текширувлари сони қисқарган.

Шуни таъкидлаш жоизки, бюджет назоратини давлат молиявий назорат органлари ёки ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофиқ амалга оширади. Айрим ҳолларда режадан ташқари бюджет назорати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда давлат молиявий назорат органига бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида маълумотлар келиб тушган ҳолларда давлат молиявий назорат органлари раҳбарларининг қарорлари асосида амалга оширилади.[8]

Бюджетлараро муносабатлар мураккаблашиб кетадиган бозор иқтисодиёти шароитида давлат молиявий назоратининг аҳамияти янада ортади. Унинг мақсади Давлат бюджет сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилишига кўмаклашиш, пул маблағларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнини таъминлашдан иборат. Бюджет назоратини ўтказиш жараёнида мунтазам равишда қуйидаги қоида бузилиш ҳолатлари аниқланмоқда:

бюджет ташкилотлари томонидан харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини режалаштиришда амалдаги норматив ҳужжатлар талаблари чуқур ўрганилмаганлиги натижасида бюджетдан ортиқча маблағларнинг олинishi;

вакант сақланаётган штат бирликлари ҳисобидан иқтисод бўлган маблағларни ўз вақтида тегишли бюджетга қайтарилмаслиги, меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси разрядларини ва коэффициентларини ҳамда устама тўловларини нотўғри қўллаш ҳисобига ортиқча харажатларга йўл қўйилиши;

тўлов ҳужжатларини сохталаштириш ва қурилиш таъмирлаш ишларига ажратилган маблағларни ҳисоботларга бажарилмаган ишларни кўшиб ёзиш, олинмаган товар-моддий захиралар учун пул ўтказиш орқали маблағларни ўзлаштирилиши;

товар-моддий захираларни қиммат нархларда етказилиши, шартномада кўрсатилган товар-моддий захиралар ўрнига бошқа турдаги маҳсулотларнинг кириш қилиниши, товар-моддий захираларнинг камомоди ва ўзлаштирилиши,



озик-овқат, дори-дармон, ёқилғи-мойлаш ва бошқа маҳсулотларни харажатга чиқариш нормаларига риоя қилмаслик.[9]

Ушбу ҳолатлар бюджет тизими бюджетлари ижросини амалга оширишда биргина 2018 йилнинг ўзида 68,1 млрд. сўм бюджет интизомини бузиш, пул ва товар-моддий захиралар камомади, мақсадсиз ва асоссиз маблағлар сарфланишига олиб келган.<sup>2</sup>

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, давлат молиявий назоратининг асосий вазифаларидан бири бу бюджет қонунчилигига риоя қилинишини, бюджет интизомни таъминлаш, бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланилишига йўл қўймаслик орқали давлат молиявий сиёсатининг амалга оширилишига кўмаклашишдан иборатдир. Шу билан бир қаторда бюджет назорати оптимал бюджет ва солиқ сиёсатининг ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилиши ҳамда давлат бюджетига ва иқтисодиётнинг ривожланишига тушумларнинг максимал даражада ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

Бюджет тизими бюджетлари назоратини амалга оширишнинг аниқ шакллари танлаш фаолият шаклининг хусусиятлари ва ҳуқуқий низомлари, текшириладиган ташкилот, назорат объекти, зарурий назорат ҳаракатлари ҳажми ва бошқа омилларга боғлиқ.

Мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш ва бюджет назоратини такомиллаштириш учун қуйидаги таклифларни келтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

бюджет назоратининг қуйи бўғини ҳисобланган бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини ривожлантириш. Чунки, ички аудит хизмати бевосита назорат объекти билан доимий алоқада бўлади. Шунингдек, ички аудит хизмати профилактик назорат сифатида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот бўйича аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш имкониятига эга;

назорат органлари томонидан масофавий (камерал) назоратни амалга ошириш механизмини янада кенгайтириш. Бу ўз навбатида, назоратни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қисқартиради, назорат ўтказиш билан боғлиқ ишларни камайтиради.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

- 1) Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси” 26 декабрь 2013 йил. ЎРҚ-360-сон.
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-3231-сон Қарори.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари.

- 3) Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик. – Тошкент, Нашриёт 2010. – 500 б.
- 4) Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. - Тошкент: “Ношир”, 2011. 712—б.
- 5) Мехмонов С.У. Бюджет ҳисоби. Ўқув қўлланма.- Тошкент: “Фан ва технология” 2012, 352 б.
- 6) Грачева Е. Финансовое право. Учебник. –М.: Проспект, 2014. 580 стр.
- 7) Тўлаходжаева М.М. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими. - Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1998. 176 б.
- 8) Бюджет назорати: Ўқув қўлланма. Б.К.Ҳамдамов, А.А.Остонокулов; - Тошкент: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2018.-320 б.
- 9) [www.mf.uz](http://www.mf.uz) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий веб сайти.